

«ҚОБУСНОМА» АСАРИНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ҒОЯЛАРИ

*Хамдамов Бобур Бабамуратович Педагогика
ва психология йўналишининг 2-курс
докторанти (PhD)*

Annotatsiya: Мақолада Кайковуснинг «Қобуснома» асарида маънавий юксак ва баркамол шахсни тарбиялаш, фарзанд тарбияси ва маънавиятини ривожлантиришга доир турли хил панду насиҳатлар ўрин олганлиги батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: Кайковус, «Қобуснома», инсоний сифатлар, тарбия, тафаккур.

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL IDEAS OF THE WORK "KOBUSNAMA"

*Khamdamov Bobur Babamuratovich of a
doctoral student (Phd) 2 course speciality
by pedagogy and psychology*

Annotation. The Article describes in detail the work of Keikavousi "Compname" - that is a factor of high moral level of education and that in "Compname" take the place of various employees about the individual factors of education and moral development of children

Key words: Kaykovus, "Kobusname", human qualities, education, thinking.

Жамиятда инсон омили ҳар доим ҳал қилувчи ўрин эгаллагани туфайли буюк олим ва мутафаккирлар ижодида, панд-насиҳатларида инсонни тарбиялаш, комил инсон бўлиш ғояси асосий ғоя сифатида ифода этилган, ҳлоқ-одоб меъёри ҳисобланган.

Республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини амалга ошириш таълимни инсонпарварлаштириш, болалар шахсини тўлақонли тушуниш, уни ҳурматлаш, болаларга ишониш ва уларни ишонтириш, қизиқиши ва қобилиятини рўёбга чиқаришга имконият яратиш билан бирга уларнинг инсоний сифатларини шакллантиришни талаб этади. Яъни

болада шахснинг инсонийлиги, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, ақл-идроқ, ростгўйлик, раҳм-шафқатлилик, дўстлик-биродарлик, ўз юртини, Ватанини, халқини севиш каби фазилатларни тарбиялаш, айти пайтда уларни дадил, ботир, қўрқмас шижоатли, тадбиркор, уддабурон, ҳар бир нарсани кадрлай оладиган, миллий, умуминсоний қадриятни тушуниб етадиган қилиб тарбиялаш зарурдир. Шунинг учун ҳам Республикамизда бугунги кунда ёш авлод, тарбиясида замонавий омилларга таяниш, айтиқса, миллий истиқлол ғоясининг асосий тарихий негизи бўлган миллий қадриятлар, анъаналар, буюк алломалар, ота-боболаримизнинг маънавий меросларига асосланишга аҳамият бериш ҳозирги куннинг талабидир. Буюк мутафаккирлар фарзанд тарбиясига, унинг маънавиятининг ривожланишига алоҳида эътибор бериб келганлар. «Қалила ва Димна», «Қутадғу билиг», «Қулистон» ва «Бўстон», «Қиссаи Рабғузий», «Маҳбуб ул-қулуб» ва ўйлаб қарасак ўнлаб дурдона асарлар асрлар мобайнида фарзандлар тарбиясида дастур вазифасини ўтаб келмоқда. Бу ганжина китоблар неча–неча авлодларга поклик, ростгўйлик, сахийлик фазилатларини сингдириб боргани сир эмас. Қайковуснинг (412-ҳижрий, 1021-1022-милодий; 475-ҳижрий, 1082-1083 й.) «Қобуснома» асари ҳам мана шулар қаторида «Қобуснома»да фарзанд тарбияси ва маънавиятини ривожлантиришга доир турли хил панду насиҳатлар ўрин олган. Жумладан, «Ота–она ҳақини билмак зикрида», «Сухандонлик била баланд мартабага эришмоқ зикрида», «Қарилик ва йигитлик сифати зикрида», «Меҳмон олмоқ ва меҳмон бўлмоқ зикрида», «Омонатни сақламоқ зикрида», «Фарзандни парвариш қилмоқ зикрида», «Дўст тутмоқ зикрида»деб номланган бўлимларда шахс камолоти масалалари илгари сурилган. Бунда шахснинг туғилганидан маънавий ривожланишига эътибор қаратилиши лозимлигини таъкидлаб ўтилган. Бу ҳақда шундай дейилган: «Агар киши ҳар қанча олий насаб ва асл бўлсаю, аммо ҳунари бўлмаса, у халойиқнинг иззат ва ҳурматида ноумид бўлур. Улуғлик ақл ва билим биладур, насл–насаб била эмас».

Кайковус ўзининг “Қобуснома” асарида оила ва фарзанд тарбияси хусусида тўхталиб, шундай дейди: “Энг биринчи галда насл–насабни тоза сақламоқ, асли қадр–қимматини билмоқ, инсон тарбиясининг гултожидир”. Ота–она ҳақини билмоқлик фарзандларнинг ақл юзасидан иш тутмоқларидир, деб қуйидагиларни айтади: “Ҳар фарзандки, оқила доно бўлса, ҳеч вақт ота–онанинг меҳри ҳаққини адо қилмоқдин холи бўлмағусидир. Ота–онанинг иши анга парвариш қилмоқдир ва фармони сенга яхшилик ўргатмоқдир. Эй фарзанд, шул важдан ота–онангни сағал ҳам ранжитмагил”.

Мазкур фикрлар таҳлил қилинса, Кайковус айтган ҳар бир сўз замирида катта бир фалсафий, ҳаётий маъно, тарғибга боришини англаш мумкин. Кайковус ота–онани дарахтга ўхшатади. “Дарахтни ҳар қанча парвариш қилсанг, меваси шунча яхшироқ ва ширинроқ бўлур”. Ота–онага иззат ва ҳурмат кўп қилсанг, уларнинг дуоси шунча тезроқ мустажоб бўлур, дейди. Асарда яна кишига қўйиладиган исм ва унга хос бўлишлик ҳақида ҳам доно фикрлар келтирилган: «Отни сенга ота–онанг қўймишлар. Бу от фақат бир нишонадан бошқа нарса эмасдир. Аммо сен ҳунар била бир номга эга бўлғил». Бунда инсоннинг етуқлигига мансаб ва ота–онанинг обрўси билан иш кўрмаслик балки ўзининг ҳунари билан элга танилишини айтиб ўтади.

«Қобуснома»да ота–онанинг бола маънавиятини юксалишига таъсири ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтган:

«Эй фарзанд, билгилким, ақл юзасидан фарзандга ота–онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдур, нединким унинг асли ота ва онадир. Ота ва онани нима учун ҳурмат қилурман деб, кўнглингга келтирмағил. Билгилки улар сенинг учун ўлимга ҳам тайёр турадирлар. Ҳар фарзандки, оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота–онанинг меҳр ҳаққини адо қилмоқдин холи бўлмағусидир. Эй фарзанд, шул важдин ота–онангни сағал ҳам ранжитмағил». Бу ўғитлардан шу нарса келиб чиқадики, ота–оналар фарзанди учун ҳамма шароитларни яратибгина қолмай, балки

фарзандларининг ахлокий етуклиги ва маънавий камолотига ҳам масъулдирлар. Кайковуснинг фикрича, яхши ҳунар ўрганмоқлик баробарида киши яхши тил ҳам ўрганмоқлиги, яъни мулойим сўзлашни одат қилмоқлиги лозим дейилади:

«...мулойим сўздин бошқа нарсани одат қилмағил. Нединким, тилга ҳар нечук сўзни ўргатсанг, шуни айтур, сўзни ўз жойида ишлатгил.

Нединким, сўз агар яхши бўлса, аммо ноўрин ишлатилса, гарчанд у ҳар нечук яхши сўз бўлса ҳам ёмон, нобоп эшитилур. Шунинг учун беҳуда сўзламағилки, фойдасиздир». Бундан кўриниб турибдики, шахснинг

маънавияти унинг сўзларида намоён бўлади.

Кайковус ўз асарида шахснинг маънавий қиёфасига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Унинг фикрича, инсон ҳар қанча бўлса ҳам ёлғон сўзламаслиги, ростгўй ва тўғрисиўз бўлмоқлиги муҳимдир. Агар ёлғон ишлатиш лозим бўлганда, буни ўзи бошқаларга ошкора тушинтириши керак, дейилади.

«Қобуснома»да фақатгина яхши сўзламоқлик билан бирга, яхши тингламоқликни ҳам билиш шахс учун муҳимлигига эътибор қаратилади:

«...ҳеч сўзни эшитишдан дилтанг бўлмагил, Ул сўз ишингга хоҳ ярасин, хоҳ ярамасин, уни эшитғул: то ўзингга сўз эшиги бекилмасин ва фавт бўлмасун. Совуқ сўзлик бўлмағил, совуқ сўз бир тухумдир, ундин душманлик ҳосил бўлур».

Бунда ҳар бир сўзни андиша билан айтгин, тўғри келган гапни айтмасдан туриб ўйлаб гапир, у сенинг маънавиятингни кўрсатади ва ҳар бир нарсани тинглашни ўргангинки, у сенинг келажагинг учун фойдаси каттадир, деганидир. Совуқ сўзлардан тийил, уларни айтишдан жиркан, у бир тухумдир вақти келиб ундан ёвузлик ёриб чиқади деган фикрни билдиради.

Кайковус жамият учун зарарли иллат ҳисобланган ёвузлик, адоват, андишасизлик оқибатида инсоний муносабатларга путур етиши, бу эса ҳар бир шахс руҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатишини насихат тарзида

ифодалайди.

Кайковуснинг «Қобуснома» китобини ҳар бир бобида шахснинг маънавий қиёфасини ўрганишга доир жуда кўплаб фикрлар келтирилган. Биз улардан айримларини ёритишга ҳаракат қилдик.

Асар билан танишиб чиқиб шу хулосага келдикки, фарзанд тарбияси ҳамиша форс-тожик мутафаккирларининг диққат марказида туради. Буюк мутафаккир. Кайковуснинг «Қобуснома» асарида ҳам баркамол инсон, юксак маънавиятли шахс масалаларига алоҳида аҳамият берилган. Китоб инсондаги бир қатор керакли бўлган хусусиятлар ва сифатларни очиқ беришга, уларни тузатишга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам ушбу асар форс-тожик педагогикасининг қомуси сифатида қарийб тўққиз асрдан буён жаҳон халқлари эътиборини қозониб келмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Анисимов С.Ф. Мораль и поведение. - М., 1979
2. Выготский Л.С. Психология искусства / Л.С. Выготский. - М.: Высшая школа, 1987
3. Курбонов М. Миллий тарбия. Т.: «Маънавият» 2007
4. Левидов А.М. От непосредственного восприятия литературного произведения к глубокому пониманию прочитанного / А.М. Левидов. // Библиотеки СССР. - 1972. - Выпуск 55
5. Теплов Б.М. Заметки психолога при чтении художественной литературы / Б.М. Теплов. Избранные труды: в 2 т. –М.: Учпедгиз, 1950.